



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 11 июнь, № 115 (8738)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИК ДОИРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича келгуси режалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган hafta Туркияга амалга оширган расмий ташири доирасида кўплаб келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йилгилиши ва икки мамлакат етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув якунлари бўйича 10,1 миллиард доллар тенг 158 та янги лойиҳа шакллантирилди. Ушбу лойиҳалар санат, энергетика, тоғ-кон ва геология, транспорт, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини қамраб олган.

Йилгилишида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берилди. Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги Иттифоқ савдо битими доирасида махсусотлар рўйхатини кенгайтириш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, электротехника, хунармандчилик махсусотларига тариф ва бож ставкаларини камайтириш, Истанбул шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо ваколатхонасини очиб режалаштирилган.

Туркия тажрибаси асосида тоғ-адирларни ўзлаштириш бўйича «Йул харитаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалигини сугурталаш тизимини жорий қилиш, халқаро стандартларга мос ўзбек — турк Уруғчилик тест марказини очиб мўлжалланган.

Президент Туркиянинг йирик компаниялари билан истиқболли лойиҳалар портфелини шакллантириш, худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Саудия Арабистони билан ҳам инвестициявий

ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда, қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошланган, сармоيار портфели тобора кенгайиб бормоқда. Подшоҳлик компаниялари иштирокида умумий қиймати 24,1 миллиард долларлик 34 та инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилган.

Мазкур лойиҳалар доирасида жорий йилда жами 2,5 миллиард доллар маблағи ўзлаштириш режалаштирилган. Шу жумладан, йил якунига қадар транспорт, рақамлаштириш, инфратузилма, соғлиқни сақлаш, энергетика соҳаларида қўшимча 13 та лойиҳа доирасида 1,5 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Йилгилишида Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ишини янада фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Кенгаш доирасида шакллантирилган экология, тоғ-кон, молиявий ҳамкорлик соҳаларида қиймати 6,5 миллиард долларлик янги истиқболли лойиҳалар юзасидан музокараларни якунига етказиш ва амалий ишларни бошлаш муҳимлиги қайд этилди. Президентимиз ҳисобот ва режалар билан танишиб, мутасаддиларга хорижий инвестицияларни тўлиқ ва сифатли ўзлаштириш чораларини кўриш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатишни топширди.

Инвесторлар билан доимий мулоқот қилиб, улар учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тизимли ҳал этиб бориш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ТАРМОҚ ВА ХУДУДЛАРДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июнь кун энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда энергетика соҳаси объектларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Энергетика тармоғини ривожлантириш ва барқарор фаолиятини таъминлаш, энергия манбаларини ва генерация қувватларини кўпайтириш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Шу билан бирга, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланмасдан, тармоқ ва худудларда, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларда энергия самарадорлигини таъминлаш тизимида юқори натижаларга эришиб бўлмайди.

Шу муносабат билан йилгилишида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Утган йили электр ва газни тежаш бўйича туманбай дастурлар қабул қилинди. Хонадонлар ва ижтимоий объектларда ўрнатилган биргина қуёш коллекторлари ҳисобига 20 миллион киловатт электр тежамланди. Санат корхоналари ҳам «яшил» энергия манбаларини жорий қилмоқда.

Лекин айрим худудларда ишлар суьт бўлгани учун электрни иқтисод қилиш режаси тўлиқ бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Янги ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда энергия тежамкорлик бўйича қатъий талаб киритиш, мазмурий бинолар, кўп қаватли уйлар, корхона, савдо ва сервис биноларида энергия самарадорлиги юзасидан техник шартларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Йилгилишида жорий йилда 1 мингта ижтимоий объектни куз-қиш мавсумига тайёрлаш топширилди. Жумладан, 251 та шифохона, 292 та боғча, 393 та мактаб ва интернет таъмирланди.

Президент тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг бу йилги электр ва газни тежаш режаси қоникориз эканини, улар янада катта марра олиши шартлигини таъкидлади.

Хар бир ҳокимга биттадан туманни танлаб, уни электр ва газни тежаш бўйича намуна қилиш топширилди. Ушбу туманларда бу йил 750 миллион киловатт электр ва 550 миллион куб метр газ иқтисод қилинишига эришиш муҳимлиги таъкидланди.

— Тежаш — йўқотишларни камайтириш,

тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига бўлиши шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Йилгилишида бундан буён илғор тажриба асосида соҳа ва тармоқларда энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича янги тизим амал қилиши белгиланди.

Бунда йилга камида 4 миллион киловатт электр ёки 375 минг куб метр газ сарфлайдиган йирик истеъмолчилар ҳар уч йилда энергия аудитидан ўтади. Энергоинспекция ҳар йили йирик истеъмолчилар рўйхатини эълон қилиб боради, аудитдан ўтмаган корхоналарга газ ва электр оширилган тарифда етказилади.

Мутасаддиларга йил якунига янги тизим билан боғлиқ техник регламент ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўртимизда электромобиллар сони охири уч йилда 10 карра ошиб, 35 мингтага етди. Жиззахда электромобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Шу муносабат билан электр тизимини ривожлантиришда янги зарядлаш қувватларини ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Эндиликда электромобилни хонадонда қувватлашни рағбатлантирадиган тунги тариф жорий қилинади. Қувватлаш ускунасига ҳисоблагич ўрнатган аҳолига тунги вақтда қувватланганлик учун арзон тариф қўланади.

Шунингдек, кўчалар, кўп қаватли уйлар атрофида 22 киловаттгача, хонадонда 7 киловаттгача зарядлаш станцияси ўрнатиш мумкин бўлади. Давлат ташкилотлари, савдо маркази, меҳмонхона ва дам олиш масканлари автотурагоҳида қувватлаш станцияси ўрнатилади.

Республикамиздаги 39 мингта яқин кўп қаватли уйга 819 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатмоқда. Солиқ имтиёзи, арзон кредит берилгани, эски қарзлар «музлатилган» ҳисобига улар оёққа турмоқда. Масалан, бир йил олдин 133 та бошқарув компанияси «огир» тоифада бўлган бўлса, ҳозир

бундай компания қолмади. Натижада йил бошидан 2 минг 100 та кўп қаватли уй таъмирланди, 1 миллионга яқин дарах ва гул кўчатлари экилди.

Йилгилишида ҳамма жойда ҳам одамлар уйлари бошқариш сифатидан қониқмаётгани қайд этилди. Кўплаб бошқарув компаниялари фақат кўчаларни супуриш ва тозалаш, жорий таъмирлаш билан чеклантипти. Лекин уйлар атрофини ободонлаштириш, том, ички ва сугориш тармоқларини соз ҳолда сақлаб туриш каби асосий вазифалар эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Яқинда бошқарув компаниялари хизмати учун тарифнинг энг кам миқдори белгиланди. Энди бошқарув ва эксплуатация сифати ҳам шунга яраша бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бошқарув компаниялари аҳоли ва коммунал ташкилот ўртасида «кўприк» бўлиши кераклиги қайд этилди. Бундан буён қурилаганга икки йилдан ошмаган уйларда, яъни кафолат муддатига муаммо чиқса, пудратчи билан бирга уларни бартараф қилишга масъул бўлиши белгиланди.

Кўп қаватли уйлар сейсмо-конструкциясига ноқонуний ўзгартириш киритиш ҳолатлари кузатилаётгани, янги кўп қаватли уйларда бино чўкмиши, уларда ёриқлар юзага келаётгани, шўрланиш ва сифат бўйича аҳолидан эътирозлар бўлаётгани қайд этилди.

Масъул ташкилотларга уйлар ҳавфсизлиги ва инфратузилма сифати бўйича пудратчилар мажбурияти бажарилишини қатъий назоратга олиш, конструкцияни ноқонуний ўзгартириш ҳолатларини эрта аниқлаш тизимини жорий қилиш топширилди.

Бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳар бир маҳалладаги ҳақиқий аҳвол ўрганилди, туманлар кесимида дастур ишлаб чиқилди. Тайёргарлик ишларига ўтган йилги 14 триллион сўмга қўшимча яна 14 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Йил бошидан вилыотларда 250 та авариявий ўчиш рўй берган, оқибатда айрим жой-

лардаги истеъмолчиларга электр барқарор етказилмаган. Шунингдек, баъзи кўп қаватли уйлардаги электр қутилар ва ундаги симлар муддатини ўтаб бўлган.

Мутасаддиларга бу борадаги камчиликларни тўлиқ бартараф этиш топширилди. Ишларни энг оғир маҳаллалардан бошлаб, йил якунигача 30 минг километр тармоқ, 10 мингта трансформаторни яхшилаш вазифаси қўйилди.

Йилгилишида энергетиканинг ресурс базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Барча генерация манбалари ҳисобидан жорий йилда 4 гигаваттлик электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 850 километр магистраль тармоқ ва 9 та подстанцияни капитал таъмирлаш, 595 километр электр тармоғи ва 4 та янги подстанцияни ишга тушириш режалари белгилан олдинди.

Иссиқлик электр станциялари барқарор ишлаши, аҳоли ва ижтимоий соҳа ахтиёжлари учун жорий йилда кўмир қазиб чиқариш ҳажмини янада ошириш зарурлиги қайд этилди. Бундан ташқари, мазут ва кўмир икки йилга бож тўловларидан озод қилиниши, кўмир импорти учун уч йил муддатга револьвер кредитлар берилиши белгиланди.

Октябрь — декабрь ойларида истеъмолчиларга 163 минг тонна суьюттирилган газ етказиб бериш топширилди. Шунингдек, вилыот ҳокимлигига 300 дан зиёд олис маҳаллалар учун кўмир, суьюттирилган газ ва асосий турдаги озиқ-овқат захирасини яратишга топширик берилди.

Куз-қиш мавсумида аҳолини иссиқлик ва ичимлик суви билан кафолатли таъминлаш учун қозонхона, қозон ва иссиқлик тармоқларини яхшилаш, сув тармоқлари ва насосларни таъмирлаш вазифалари белгилан олдинди.

Йилгилиши давомида тармоқ ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Ў.А.

Учрашув

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Айни чоғда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева Халқаро меҳнат конференциясида иштирок этиш учун Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб турибди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатқашлар фаолияти бўйича бюроси директори Мария Хелена Андре билан ўтказилган мулоқотда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ХМТ билан ҳамкорликда ўқув дастурларини йўлга қўйиш орқали мутахассисларнинг малака ва салоҳиятини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаол ривожланиши ҳамда хусусий сектор мус-

таҳкамланиши ва халқаро брендлар томонидан Ўзбекистон бозорига қизиқиш кучайиши муносабати билан хусусий корхона ва корпорацияларда касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига сайланди

7 июнь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) аъзолари сайлови бўлиб ўтди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон БМТга аъзо давлатларнинг 185 овозини тўплади ва ўз тарихида биринчи марта «ECOSOC»га уч йил муддатга сайланди.

Мамлакатимиз БМТнинг ушбу муҳим органига сайлангани Президентимиз

Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жаҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқаро ҳамжамият ва БМТга аъзо давлатлар томонидан кенг эътироф этилганидан далолатдор.

Эслаб ўтамиз, «ECOSOC» БМТнинг асосий органи

бўлиб, ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштиришга масъулдир. Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида барқарор ривожланишнинг барча уч йўналиши — иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан рағбатлантириш бўйича асосий ўринни эгаллайди. Унинг таркибига 54 мамлакат кириб, уч йиллик муддатга сайланади.

БМТ Бош Ассамблеяси

«Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунин» резолюциясини қабул қилди

7 июнь кун БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ва Хитой томонидан ишлаб чиқилган «Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунин» деб номланган резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Резолюцияга 80 дан ортиқ аъзо мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиёнинг барча давлатлари, Арманистон, Бирлашган Араб Амириклари, Баҳрайн, Беларусь, Эрон, Индонезия, Кувайт, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Қатар, Россия, Саудия Арабистони, Туркия ва Венгрия ҳаммуаллифлик қилган.

Хужжатда дунёда диний ва маданий хилмахиллик муҳимлиги эътироф этилган ҳолда, барча маданият ва тамаддунларнинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси ижобий қайд этилган. Турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида бағ-



риқенглик, ҳурмат, мулоқот ва ҳамкорлик рағбатлантирилади.

Резолюцияда цивилизациялар хилмахиллиги қадриятини англаш, мулоқот, ўзаро ҳурмат ва глобал бирдамликни ривожлантириш мақсадида 10 июни Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунин деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эслаб ўтамиз, 4 июнь кун БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан «Марказий Осиё давлатларининг гиёвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракатланиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги» резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми:

СТРАТЕГИЯ ВА Ёндашувларни Ишлаб чиқиш учун қулай майдон

Шу йил 13-14 июнь кунлари мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми бўлиб ўтади. «Экологик муаммолар: ўзгарувчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги, барқарор ечимлар топил» мавзусига бағишланган ушбу анъанавий халқаро анжуманда муҳокама қилинадиган масалаларнинг аҳамияти ва мунозаралардан қутилаётган натижалар ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси Акмал Саидов газетамизга батафсил маълумот берди.

Тафсилот

— Бугунги кунда бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаётган сайёравий қўламдаги учта таҳдид — иқлим ўзгаришлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиатнинг бузилиши инсонларни улар эга бўлган асосий ҳуқуқлар билан таъминлаш йўлида жиддий тўсиқ яратмоқда.

Иқлим ўзгаришлари ва экология муаммолари инсоннинг яшаш, соғлигини сақлаш, овқатланиш, тоза сув истеъмол қилиш, хавфсиз тураржойга эга бўлиш каби асосий ҳуқуқларига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатаётгани учун, бир томондан, ҳозирги даврга хос глобал хатарлар ҳисобланса, иккинчи

томондан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жиддий муаммолар қаторига киради. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ўз тарихида илк бор 2021 йилда мусаффо, соғлом ва барқарор атроф-муҳит — бу инсон ҳуқуқларининг узвий қисми, деб эътироф этгани ҳамда бу соҳада Махсус маърузачи мактабини таъсис қилгани худди шу омиллар билан чамбарчас боғлиқ.

Марказий Осиё минтақаси ҳам иқлим ўзгаришлари ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари олдида заиф экани сезилди. Ҳозирги вақтда минтақа мамлакатларида кузатилаётган сув тақчиллиги эканларни сўғориш имкониятларини чекламоқда.



Ўзбекистонда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва биохилма-хилликни асраш ишларига мунтазам эътибор қаратилаётгани жуда муҳим. Мамлакатимиз 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Париж битими имзолаган. Ҳозирги вақтда Париж битимини имзолаган мамлакатларнинг 180 таси мазкур хужжат иштирокчиси ҳисобланади.

Иқлим бўйича илк глобал битим ҳисобланувчи 2015 йил 12 декабр-

да қабул қилинган Париж битими Ўзбекистон учун қатор имкониятларни тақдим этади. Хусусан, энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурсларини жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий экологик оқибатларга қарши курашиш шулар жумласидандир.

3

Муносабат

Барча йўналишга кучли суръат бағишлади

Охириги бир неча йилда Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида очиқлик, ишонч ва самимийлик устуворлик қилиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Бизни қон-қардошлик ришталари, диний ва миллий қадриятлар ўзаро боғлаб туради. Икки давлат етакчиларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари эса интилишларимизга янги суръат бағишлямоқда.



Бунди Президентимизнинг яқинда Туркияга расмий ташрифи натижалари мисолида ҳам кўриш қийин эмас.

Ташриф доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган раислигида Ўзбекистон — Туркия олий даражадаги Стратегия ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши юқори савияда бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Негаки, бу йилнинг икки тараф ишбилармонлари учун ҳам катта манфаатлар келтириши кутуляпти.

Хўш, ушбу стратегия йиғилиши мамлакатларимиз иқтисодий ривож учун қандай аҳамиятга эга, содда қилиб айтганда, у бизга нима беради? Давлатимиз раҳбари шу йиғилиш моҳияти ва аҳамияти хусусида тўхталар экан, Стратегия ҳамкорлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон — Туркия муносабатлари тарихида янги саҳифа очди ва шерикликнинг барча соҳасида янада ривожланишга кучли суръат бағишлади, дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат шундай. Сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳамми 1,5 баробар, қўша корхоналар сони 2 баробар, иқтисодиётимизга турк инвестицияси ҳамми 2,5 баробар ошгани эътиборга молик. Шунларга мос равишда икки давлат йирик шаҳарлари ўртасида ҳафтагисига 90 та парвоз амалга оширилмоқда, Туркиядан келаётган сайёҳлар оқими эса 3 баробар кўпайди.

лар янада залварли. Аниқ айтадиган бўлсак, яқин келажакда икки томонлама савдо ҳаммини 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Қолаверса, музокараларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида саноат кооперациясини кучайтириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва биргаликда учинчи давлатлар бозорларига чиқиш муҳимлиги таъкидландики, бу биз учун аниқ мудоаодир.

Ташриф чоғида имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида божхона тарифларини пасайтириш ва Истанбулда Ўзбекистон савдо ваколатхонасини очиш масалаларида келишувларга эришилганини ҳам муҳим воқелик сифатида келтириш мумкин.

Ушбу ташриф давомида парламентлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинулар йўналишларида салмоқли натижаларга эришилгани ҳам тарихий аҳамият касб этди.

Умуман, бу ташриф давомида кўплаб келишувларга эришилди ва муҳим ҳужжатлар имзоландики, уларни ҳаётга татбиқ қилиш мутасаддилар қаторида биз, халқ вакилларида ҳам катта масъулият талаб этади.

Кобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЮТУҚЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Фахр

Хусусан, ўтган қисқа вақт ичида болалар меҳнати, айниқса, мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Айни чоғда муносиб меҳнат тамойиллари илгари сурилмоқда, халқро меҳнат, ишлаб чиқариш, техник ва экологик стандартларни кенг татбиқ этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Бу борадаги ютуқларимиз халқро тузилмалар ва экспертлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани юртдошларимизни

кувонтириши табиийдир. Кеча яна бир хушxabар тарқалди. Гап шундаки, Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқаро меҳнат конвенциясининг 112-сессияси доирасида Халқаро меҳнат ташкилоти Маъмурий кенгаши аъзолигига сайловларда энг кўп овоз тўплаб тарихда ilk мартаба Ўзбекистон мазкур кенгаш аъзолигига сайланди.

Шу ўринда бу тузилма ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Маълумки, Халқаро меҳнат таш-

килоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқро тан олинган инсон ҳуқуқларини, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суради. Ташкилот 1919 йилда ташкил топган ҳамда 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса бўлди. Халқаро меҳнат меъёрларини белгилаб қўйишда ХМТ конвенция ва тавсиялари алоҳида аҳамиятга эга.

Сал илгароқроқ айтилганидек, бу борадаги ишлар халқро ҳамжамият, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эътироф этилмоқда, муҳими, қатор халқаро анжуманларда Ўзбекистон қисқа муддатларда юқори натижага эришган мамлакат сифатида

бошқа давлатлар учун намуна қилиб кўрсатиб келинмоқда. ХМТ Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланишимиз навбатдаги ютуқларимиздан бўлди.

Албатта, бу Ўзбекистонга глобал меҳнат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинаётган қарорлар, меҳнат муносабатлари тизимини такомиллаштиришга оид тақлифлар, янги қояларни ишлаб чиқишда бевосита қатнашиш имконини беради.

Гап халқро майдондаги ютуқларимиз ҳақида кетар экан, жорий йил 7 июнь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида 2025 — 2027 йиллар учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзолигига бўлиб ўтган сайлов ху-

сусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Унда яширин овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо давлатлардан 185 танинган овозини олган ҳолда ўз тарихида биринчи марта кенгаш аъзолигига сайланди.

Маълумки, кенгаш уч йиллик муддатга сайланадиган 54 аъзодан иборат бўлиб, БМТнинг асосий органи ҳисобланади. Ушбу тузилма БМТ тизимида барқарор ривожланишнинг барча йўналиши, яъни иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан рабағланштиришда асосий ўрин эгаллайди.

Келтириб ўтилган ҳар иккала ютуқ ҳам юртимизда амалга ошириллаётган кўламли ислохотлар халқро ҳамжамият ва БМТга аъзо давлатлар томонидан юксак даражада эътироф этиллаётганлигидан далолат беради.

Анвар ТҮЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.

Ўзбекистон — ЖСТ:

Глобал иқтисодий ва савдо алоқалари янада кенгайди

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кескинлашиб бораётган аини пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига янги талабларнинг пайдо бўлиши мавжуд хомашё маҳсулотларидан рақобатга чидамли, бозорда талаб юқори бўлган буюмлар чиқаришни тақозо қилмоқда.

Фикр

Бу борада мамлакатимизда сўнгги йилларда дунё бозорларида талаб юқори бўлган яримтайёр ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, хомашё экспортдан тайёр маҳсулотлар экспортга ўтиш, саноат ривожини сифат жиҳатдан янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакат экспортда ҳам тайёр маҳсулотлар улуши ортмоқда. Хусусан, мамлакат экспорти ҳажмида салмоқли ўринни эгаллаган пахта хомашёси ва табиий газни экспорт қилиш ҳамми йилдан-йилга камайитирилиб, тайёр маҳсулотлар улуши ортмоқда.

Шу боис мамлакат экспорти географиясини янада кенгайтириш мақсадида янги бозорлар топиш, чет давлатлар ва халқро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни хар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат жадал рўёбга чиқариляпти.

Юртимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ташқи иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш жараёнини сифатли амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аввало, таъкидлаш лозимки, ЖСТ давлатлар ўртасидаги савдонинг тартибга солиш билан шугулланувчи нуфузли халқро ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатлар сони 166 та ва жаҳон савдосининг

95 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиши бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифа бўлиб, бу мамлакатимизга бошқа давлатлар билан глобал иқтисодий ва савдо муносабатларини кенгайтириш, ташқи рақобатбардошликни кучайтириш каби жараёнларни тезлаштириш учун замин яратяди. Ташқи савдода тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш учун кенг имкониятлар эшигини очяди, десак, муболага бўлмайди.

Сабаби ЖСТга аъзо давлат халқро савдонинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бошқа аъзо мамлакатлар билан бир хил имкониятлар асосида ташқи иқтисодий ва савдо алоқаларини олиб боради. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда ЖСТга аъзоликни амалга ошириш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмақда. Хусусан, Ҳукумат томонидан ЖСТга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама музокараларни якунлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. ЖСТ битимлари талабларига мувофиқлаштириш учун амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бинобарин, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш учун устувор вазифалар белгиланган. Бу борада давлат раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинган.

Хусусан, яқинда “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди.

ни мустаҳкамлашга йўл очилини инобатга олган ҳолда у қўллаб-қувватланди.

Ҳукумат аъзоларининг шахсий масъулияти ошади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси обдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамасининг мақоми, таркиби, уни шакллантириш тартиби, ваколатлари ҳамда фаолиятини ташкил этишга оид бир қатор янгиликлар назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Мухаммадjon Валиев қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг биринчи ўқишдаги муҳокамалари чоғида депутатлар томонидан берилган тақлифлар эътиборга олингани ва лойиҳа матнида акс этганини урғулади.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Вазирлар Маҳкамаси ишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, замонавий механизмларни жорий этиш, Ҳукумат аъзоларининг бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиши учун шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

“Судларда ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини фракция аъзолари партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда қизгин муҳокама қилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, судларда давлат манфаатига оид қайси иқтисодий ва фуқаролик ишларининг қўрилишида прокурор иштирок этиши аниқ белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Гулрўх Агзамова қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўтталиб, лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазасини, тақлифларини билдирди. Айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар бўйича батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Қонунчилик ҳужжатларига қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини амалга оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар.

Айтилганидек, мазкур ҳужжатнинг мақсади янги тахрирдаги Конституция нормаларининг амалиётда ишлашига эришиш, фуқароларни ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишни тақиқлаш, шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш ва уларнинг меҳнат муносабатларида қўшимча қафолатлар яратишда иборатдир.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Фикр-мулоҳазалар билдирилган, ҳужжат фракция аъзолари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Таъкидланганидек, сейсмик хавфсизликни таъминлаш ҳамда бинолар ва иншоотларнинг эзилгача бардошлилигини ошириш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бинолар ва иншоотларни қуришни ҳамда таъмирлашни бажарувчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка белгиланган талабларга қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурати ҳам мавжуд.

Мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. Хусусан, Жиноят кодексига шаҳарсозлик соҳасидаги ваколатли давлат органларининг рухсатсиз объектларни қурганлик, бинолар ва иншоотларни аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини бузган ҳолда лойиҳалаштирилганлик, реконструкция қилганлик ва қурганлик учун жавобгарлик юзюга келишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш белгиланмоқда.

Депутатлар ҳозирги кунда қурилишлар билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан саволлар билан мурожаат қилди.

Қурилишлар сифатини ошириш, бинолар ва иншоотлар қонунга хилоф равишда қурилишининг олдини олиш ҳамда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган ҳужжатни янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар берилган, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Атроф-муҳит муҳофазасига оид ваколатлар қайта кўриб чиқилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама аввалида қонун лойиҳасига масъул қўмита томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган нормалардан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, Ҳукуматнинг иқтисодиёт, бюджет, молия ва солиқ, ижтимоий соҳа, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишларидаги ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Яъни Вазирлар Маҳкамаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, табиий ресурсларни, жумладан, ер, ер ости бойлиқлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳада Ҳукуматнинг асосий вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилмоқда.

Қизгин муҳокама якунида қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди ҳамда қўллаб-қувватланди. Шунингдек, кун тартибидеги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланади

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда кўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Депутатлар муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаларининг аҳамияти, концептуал жиҳатларига эътибор қаратиб, уларни ўз партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришга оид муҳим тақлифларини билдирди.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

Шаҳарсозликка оид талабларга қатъий риоя этилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 6 июнь кунини Туркия Республикасига расмий ташрифининг аҳамияти муҳокама марказида бўлди.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари мазкур ташриф Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида қайд этдилар.

Йиғилишда, шунингдек, “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Қаҳрамон Эргашев қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилганини қайд этди.

Депутатнинг айтишича, лойиҳани биринчи ўқишда кўриб чиқиш давомида берилган барча тақлифлар ишчи гуруҳ йиғилишларида чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг аксарияти ҳужжат матнида акс эттирилган.

Мазкур қонун лойиҳаси қурилишлар сифатини оширишга, бинолар ва иншоотлар қонунга хилоф равишда қурилишининг олдини олишга ҳамда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.



Давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгалли таъминланади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини амалга оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Бугунги кунда фуқароларни уларнинг яқин қариндошларида судланганлик, шу жумладан, тугалланган судланганлик ҳолати мавжудлиги сабабли ишга қабул қилиниши қонунга хилоф равишда рад этиш ҳоллари мавжуд. Шу боис бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида мазкур қонун лойиҳаси тайёрланди.

Бу билан фуқароларни ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишни тақиқлаш, шунингдек, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг меҳнат муносабатларида қўшимча қафолатлар яратиш мақсадида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатлари-

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми:

СТРАТЕГИЯ ВА ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ҚУЛАЙ МАЙДОН

Мазкур ҳужжат глобал исҳиннинг олдини олиш учун глобал ҳаракат режасини белгилаб беради. Битим табиий ёқилғилардан бутунлай воз кечиши назарда тутилмайди, албатта. Бироқ барча мамлакатлардан ҳавони ифлослантиришни камайтириши, технология қайта қуроланиши ва иқлим ўзгаришига мослашиши кераклиги сўралади. Бундан ташқари, энергия қувватларини етказиб беришда ҳам аста-секин қайта тикланувчи энергияга ўтилиши лозим.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида глобал экологик сийосатнинг устувор йўналишларига дахлдор бир қанча янги ташаббусларни илгари сурганилигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни вақтда халқаро, минтақавий ва миллий даражалардаги ушбу ташаббуслар изчиллик билан рўйбога чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, БМТнинг янги экологик сийосати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар давом эттирилмоқда.

Давлатимиз ва жамиятимиз экологик муаммоларни ҳал этишда дунё ҳамжамиятининг куч ва имкониятларини бирлаштириш, саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарур деб ҳисоблайди. Шу боис Президентимизнинг бу борадаги изчил сийосати асосида:

биринчидан, жамиятимизда, айниқса, маҳалларда табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш маданиятини шакллантиришни умумий амалий ҳаракатга айлантириш;

иккинчидан, экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларни, хусусан, "Яшил макон 2" умумийлий лойиҳаси доирасидаги ишларни қўйиштириш;

учинчидан, сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисmini туманларда сўғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва қаналарни бетонлашга йўналтириш;

тўртинчидан, қишлоқ ҳўжалиқидидаги ислотларнинг қатъий давом эттириш, соҳага янги инновацион агротехнологияларни кенг жорий этиш, яратилаётган янги деҳқон ҳўжалиқларини ҳақиқий ер эгасига айлантириш борасида жадал ишлар олиб боришмоқда.

Янада муҳими, экология соҳасининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қатъий эътибор қаратилади. **Янги тахрирдаги Конституцияда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва**

ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талаблар мустаҳкамланди.

Асосий Қонунимиз "Муқаддима"сида эътироф этилганидек, биз "мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини қўйиштиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусофқолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб", ушбу Конституцияни қабул қилганмиз.

Бош қомусимизнинг 49-моддаси тўлалигича экология ва атроф-муҳит ҳимоясига оид нормалардан иборат. Хусусан, ушбу модданинг биринчи бандида: **"Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга"**, деб қайд этилган.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги Ўзбекистоннинг учта стратегик дастури — 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ишлаб чиқилди. Биринчиси тўла бажарилган ва қолган иккитаси ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ушбу дастуриламал дастурларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига ҳар доимидан кўра кўпроқ эътибор қаратилган.

Қолаверса, **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси** ижроси доирасида Экология кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** томонидан **"Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўркак нишони** билан тақдирланган фаоллар сафи 2021 йилда **"Экология ҳуқуқи ҳимоячиси"** номинацияси голиблари ҳисобига кенгайди.

Маълумки, COVID-19 пандемияси дунё давлатларининг табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги кўп томонлама шартнома ва битимлар, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари, Париж битими каби ўзаро келишувларда зиммасига олган мажбуриятлари бажарилишига жиддий ҳалал берди. Аксарий мамлакатларда ушбу йўналишдаги вазибаларнинг молиялаштирилиши ва бажарилиши зарур даражада таъминланмасдан қолди.

Она заминимиз сув захираларини оқибатини ўйламасдан исрофгарчилик билан сарфлаш, табиат ва биохимияликка мунтазам зиён-заҳмат етказиши, Ер ва кинотини чиқиндиҳонага айлантириш, ана шу салбий жараёнлар асосида кутлажақ турли офатларга қарши кураш имкониятларининг кенчалишига бевосита сабабчи бўлиши — буларнинг барчаси инсоният бошига ян-

гидан-янги балолар ёғдирмоқда. Боз устига экологик офатлар мавжуд таҳдиду хатарларнинг янада қўчайишига туртки бўлмоқда.

БМТ Университети ҳамда Атроф-муҳит ва инсон ҳавфсизлиги институтининг "2023 йилдаги табиий офатларнинг ўзаро боғлиқлиқдаги хатарлари" номли маърузасида шу ҳақда сўз борган. Ҳисоботда сайёрамизда истиқомат қилаётган жами инсонларнинг ҳаётга ҳалокатли таъсир кўрсатадиган глобал хатарларнинг ўзаро уйғун олтига омили санаб ўтилган.

- Булар:
- биохимиялик барҳам топишининг тезлашиши;
 - шу билан боғлиқ ҳолда экотизимнинг издан чиқиши;
 - ер ости сувларининг кескин пайсийши оқибатида сув захираларининг камайиб кетиши;
 - тоғ музликларининг эриши;
 - коинотда чиқиндиларнинг қўйиши;
 - об-ҳавонинг ҳаддан ортқ исиб кетиши.

Ушбу салбий омилларнинг ўзаро омилхалиқда юзага келаётган иқлим инқирози ва турли экологик офатларнинг оқибатларидан ҳар бир инсон азият чеқмоқда. Шу маънода, бўлажақ **Самарқанд форумининг асосий мақсади — иқлим ўзгаришларининг инсон ҳуқуқларига таъсири билан боғлиқ масалаларни кенг қўламда ва ахборотлар таҳлили негизида атрофчилик муҳофаза қилишдан иборат эканлиги янги мудоаодир.**

Халқаро анжуман иштирокчилари ушбу соҳада зарур билимлар олиш билан бир қаторда, халқаро ҳамжамият доирасида ўзаро тажриба алмашиш ва энг мақбул амалиётлар билан танишиш имконига эга бўлади. Форумда асосий эътибор иқлим ўзгаришларининг инсон ҳуқуқларига кўрсатадиган салбий таъсирини юмшатишга оид аниқ тавсия ва ечимлар тайёрлашга қаратилади.

Бу борадаги мунозаралар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва ўзгариётган иқлим шароитида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўмаклашадиган самарадор стратегия ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун турли соҳа мутахассисларига қулай майдон бўлиб хизмат қилиши кўтилмоқда. Янада муҳими, **Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми** доирасидаги мунозаралар мавжуд экологик муаммолар ечимига нафақат миллий ва минтақавий даражада ёндашиш, балки бу долзарб масалаларга яна бир ҳалқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш имкониятини яратиши мўқарар.

«Халқ сўзи».

Қишлоқдаги саннат

БАЗАЛЬТ МЎЪЖИЗАСИ

Агар Фориш туманидаги "Basalt Uzbekistan" кластери корхоналарига борсангиз, дастгоҳлар ҳаракатидан ҳосил бўлаётган маҳсулотларни томоша қилишингиз мумкин, лекин рўй бераётган жараённи тушунишингиз қийин кечиши аниқ.

Чунки бунинг учун ҳар бир нуктани шарҳлаб турадиган мутахассис керак бўлади. Биз бу ерда бўлганимизда ана шу кластер асосчиси, Жиззах воҳасида машҳур тадбиркор, "Шуҳрат" медали соҳибни Турғунбой Кўчкинов баҳонидил бизга ҳамроҳлик қиладиган бўлди.



— Ушбу кластер илгари яйдоқ дала бўлган Осмоний масканининг 300 гектарида барпо этилган, — дейди Турғунбой ота. — Дастлаб тоғли ҳудудлардан келтирилган тошлар корхона майдонига ағдарилади. Сўнгра илк босқич — майдалаш қисмидан ўтказилади. Шағал кўринишини олган тошлар саралаш нуктасидан ўтгач, ичкарига — 1500 даражада қиздирилган ўчоққа солинади. Базальт тошининг йўли бир маромда ҳаракатланганидан тасмадан чиқиб яна давом этади. Германия, Франция, Италия, Чехиядан келтирилган дастгоҳлар иссиқдан тобланган тошларни қабул қилиб, инновацион усулда шакл ола элади. Яна тегишли бўғиндан ўтган хомашё бир жойда маҳсул тола, бошқа бир жойда композит геосетка, ўзга ерда қизилган момиқ, керак жойда қувурлар шаклида пайдо бўлади. Муайян босқичда модда сув билан совитилади.

Корхонанинг ҳаракатлантирувчи дастгоҳлари гувўллаб ишлаши гўёбу ердаги меҳнат шиддатини ифодалаб тургандай. Кўнглимизда шундай савол туғилди: Президентимиз 2019 йилнинг январидан берга келган, шарт-шароит билан яқиндан танишган эди. Жорий йилнинг баҳоридан нега яна айнан шу корхонага келди?

— Юртбошимиз ташриф давомида беш йил олдин бошланган ишлар қандай давом этаётгани билан яқиндан танишди, — дейди завод бош директори Азим Абдусатторов. — Қолаверса, илк ташриф чоғида берилган топшириқлар ижросини суриштирди.

Демак, ушбу кластерга Президентнинг назари бежиз тушмаган экан. Авваллари қишлоқда иш йўқлигидан кўча чангитиб юрган йигитлар бугун аниқ мақсадга эга ишли бўлди. Ҳозиргача янги корхоналарда ишлаётган ёшлар сонини 1700 дан ошган. Энди иш қидириб, қўл туманларига бориш шарт эмас. Бир кластер остида етти та завод ишлаб турибди. Бу ҳали бошлангич. Шу йилнинг ўзига янги бўлинмаларга янги ходимлар ишга тақлиф қилинади.

Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг саксон фонизи АҚШ, Буюк Британия, Польша, Италия, Бельгия, Чехия, Грузия, Россия, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Корхона тижорат директори Темир Мамадаминнинг айтишича, Европада бу маҳсулотларга ишқибоз бўлган баъзи корчалонлар ўз брендлари орқали сотишни тақлиф қилишибди. Аммо бу тақлиф рад этилиб, "Ўзбекистон" бренди дунёга чиқиши керак дейишди.

"Экспорт қилинган яши, айни пайтда бу корхона маҳсулотларидан ўзимиз ҳам баҳраманд бўлайлик". Кўпчиликнинг истаги шундай.

Ҳўш, хорижликлар Форишда чиқаётган бу маҳсулотнинг нимасига ишқибоз бўлишди? Маълум бўлишича, илм-фаннинг бу илгор усулда чиқарилаётган маҳсулот бошқа жойлардаги турдошларидан энгил ва танқарчи арзон. Юртимизда шундай бозори қаққон маҳсулот чиқарилаётганидан хатто ўзимиздагилар ҳам беҳабар экан.

Қурилиш қиймати 498 миллион долларни ташкил этди. Ўтган йили 554 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозиргача 42 турдаги маҳсулот ўзлаштирилган бўлса, келгусида мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Фибра, геосетка, уй-рўзгор буюмлари каби маҳсулотлар навбатдаги рўйхатдан ўрин олган.

Турғунбой Кўчкинов узоқ йиллар тадбиркорлик соҳасида тажриба орттирган. Россия Федерацияси ҳудудида савдо уйлари очган. Ҳозир ана шу тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Саксон икки ёшда ҳам йигитлардек дадил ҳаракат қилиши, қатъий фикрлар билдириши у кишининг фидойи ватанпарварлигидан нишон.

Фориш азалдан қорвачиликка, лалми деҳқончиликка ихтисослаштирилган туман. Янги Ўзбекистоннинг замонавий муҳити тўғрисида бу ердаги ҳам саннатнинг янги манзаралари кириб келмоқда. Бу бунёдкорлик ҳаракатида "Basalt Uzbekistan" байроқдор бўлиши мўқарар. Улар истиқболнинг нури манзилларига кириб ишонч билан интиломоқда.

"Биз ёрғу келажакимизга ишонамиз, асл хомашё ўзимиздан", дейишмоқда улар.

Шуҳрат ЖАБОРОВ («Халқ сўзи»).

Семинар

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Пойтахтимизда "Ислам цивилизацияси: кеча, бугун ва эртага" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, илмушунос олимлар, тадқиқотчилар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимиз жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки улкамиздан башарият тамаддунининг саҳифаларига исми олтин ҳарфлар билан битилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Абдулоҳиқ Фихрувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Маргиноний, Хожа Аҳрор каби мўътабар зотлар етишиб чиққан.

Бугунги кунда мамлакатимизда ана шу улғу зотларнинг бебаҳо меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилиб, кенг қўламли фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Семинарда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази илмий жамоаси вакиллари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, қизгин баҳсларга, фикр-мулоҳазаларга бой ўтган тадбирда марказ фаолияти ва истиқболдаги режаларига доир вазифалар белгилаб олинди.

— Юртимизда ислом цивилизациясига доир катта илмий излашлар олиб боришмоқда, — дейди Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази бош илмий ходими Зоҳидулло Мунавваров. — Жумладан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк олимларнинг ҳаёт йўли, ноёб илмий меросининг ислом цивилизациясидаги аҳамияти тадқиқ ва тарғиб қилинмоқда. Мазкур семинар ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми, десак, муболага эмас.

Тадбирда меҳмонларга "Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида" ва "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" китоблари тўх-фа этилди.

Самандар ПАРДАБОВ («Халқ сўзи»).

Исроф — неъматнинг заволи

ёхуд тежамкорлик нимадан бошланади?

Кино санъати шундай бир йўналиши, у орқали актёрлар роль ижро этиб, жамиятда урчиб бораётган камчиликларни, мавжуд муаммоларни турли йўллар билан кенг омма олдиға олиб чиқиши мумкин.

Неча йиллар ўтса-да, ҳозирда ҳам севиб томоша қилинадиган шундай кинофильмлар борки, улардаги "қоса тағида нимқоса" қабилида кўтарилган аччиқ ҳақиқат ва иллатлар ҳали-ҳамон кишини ўйга толдиради.

Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг ўша машҳур миниатюрадаги кудаларга қарата "Замбаракнинг ўқи керак эмасми?" деган киносида ҳам аслида миллитнинг чиркин удумларига қарата "ўт" очилгани, "Маҳаллада дув-дув ган" кинокомедиясида эса шуҳратпарастлик ортидаги исрофгарчилик ўз ифодасини топганини яхши англаймиз.

□ Долзарб мавзу

Тўй бир кунлик, ташвиши эса...

Исрофгарчилик ҳақида сўз кетса, шубҳасиз, тўйлар, яъни арафодаги ва кейинги удумлар кўз олдимизга келади. Қўша-қўша сарполар, тоғора-тоғора пишириқлар, қимматбаҳо тўй машиналари, мухташам тўйхоналар хусусида кўп ва ҳўб ёзилди.

Ҳатто Президент Фармонига асосан тўй-хашам, маърақа ва бошқа маросимларни ичмам, ортиқча сарф-харажат ва дабдабаларсиз ўтказиш белгиланиб, бир қатор нуфузли жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан "Маҳалларда тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тузилладиган маслаҳат кенгашлири ҳақида тавсиялар" ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Тўй маросимлари ва маъракатлари меъёрида ўтказиш ҳақида"ги махсус фатвоиси ҳам эълон қилинган эди.

— Афсуски, тўйларимизда шуҳратпарастлик, дабдабозлик, манманлик ошса ошганки, камайган эмас, — дейди Нурота туманидаги "Тинчлик" МФЙ раиси Раҳима Қоқоқова. — Вазифамиз тақозоси билан баъзи никоҳ базмларининг охиригача туришга тўғри келади. Дабдабалар, исроф бўлган ноз-неъматларни кўриб ачинасан киши. Таассуфлиси, тўй эгаларининг аксарияти қарзга ботиб бўлса ҳам, шундай дастурхон ёзмоқда. Тантанавдаги қувонч ёшлари тўйдан кейин алам ёшига айланганига кўп бор гувоҳ бўлмоқдамиз.

Албатта, юртдошларимиз тўйга узоқ тайёр-гарлик кўришади. Уни ўтказишдан мақсад ёш оилани элга таништириш, ўз қувончларини қавми қариндошлар билан баҳам кўриш экан, ортиқча сарф-харажатлар тўйдан кейин қандай ташвишлар келтиришини ҳам ўйлаш



керак. Қишқа айтганда, ҳалигача тўйларни ичмамлаштириш бўйича кўрилган чоралар ўз самарасини бермаётганилиги бор гап. "Мен сендан камми?" йўсинидаги кибир, бўлар-бўлмас чираниш исрофгарчиликларга сабаб бўлмоқда.

Мавриди келганда, пандемия давридаги тўйлар, никоҳ базмларини ёдга олсак фойдадан холи бўлмайди.

— Карантин чекловлари юмшатилиб, маълум муддат 30 кишилик базмларга рухсат берилганида кечаси соат тўққизларда қудалар билан келишиб, эртаси кунга тўй белгиладик, — дейди қизилтепалик Улуғбек Умрзоқов. — Бизга ўхшаганлар кўп экан, ўша кунлари санъаткорлар ҳам, видеотасвирчилар ҳам банд экан. Ноилоҳ, магнитофон қўйиб, телефонларда тасвирга олдиқ, кейинчилик ҳаммасини жамлаб, монтаж қилдирдик. Тўғри, ўттиз эмас,

эллик чоғли қариндошлар йигилишдик, муҳими, тўй зўр ўтди.

Эндилкида эса яна тўйларда истёъмолдан кўра исроф қилинган ноз-неъматлар кўп бўлишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ваҳоланки, бир кунлик тўй ўтади-кетди: минг кишилик тўй берсангиз ҳам, бир-икки кун гапирилади ва унутилади.

Шукроналик аломати

Тежамкорлик кўпинча исрофгарчиликка қарши қўлланилса-да, аслида, ҳар икки тушунча бир-бирини тўлдириб туради. Шу маънода, тўйлардан ташқари турмушимизда ҳам яна бир қанча исрофгарчиликлар учрайдики, булар оддий турмуш тарзимизга айланиб қолганлиги ачинарлидир.

Биргина ичимлик сувидан фойдаланишни олайлик. Оила бекалари чой дамлаб, ортган қайноқ сувни каналзация тармоқларига тўкиб юборишса, хонадон соҳиб ойна қаршисида сув жўмрагини оқиб қўйган ҳолда ўн — ўн беш дақиқа соқол қуртишлайди.

Мамлакат миқёсида олсак, шу тахлит қанча сув оқиб кетаётганини тасаввур этиш қийин эмас. Ёки идиш-товуқларни ювишда ҳам сув жўмрақлари ёпилмаслиги оддий ҳолга айланган. Қолаверса, бугунги кунда автоуловларни ювиш ҳам улар ёнига қўшилган. Ҳолбуки, фарзанд энг аввало, тежамкорлиқни оилада ўрганади. Уйинчоги, китоб-дафтери ва бошқа ўқув туролларини эҳтиёт қилиб тутиб, уйдан ташқарида ҳам уларга нисбатан тежамкорлик маданияти шаклланади.

— Аксарият ота-оналаримиз фарзандларига чироқни ўчириб қўй, дейишдан нарига ўтмайди, — дейди Навоий давлат педагогика институтини доценти Нигора Сафарова. — Бу орқали болада фақат инстинктини шакллантириш мумкин, лекин у тежамкорлик тарбиясини ололмайди. Бундай неъмат қандай яратилгани, уни оила қанчага харид қилаётгани ҳақида болага атрофчилик тушунча берилмайди. Фарзанд жамоат жойларига табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш, электр энергиясини тежаб ишлашти, бошқалар эҳтиёжини ҳурмат қилиш руҳини чўқур англамай вояга етади. Бу эса ўз-ўзидан келажакда исрофгарчиликка олиб келади.

Ёки автотранспортдан фойдаланиш масаласини олайлик. Катта шахарларни-ку қўя ту-

райлик, шахарлараро трассалардаги қатнов зичлиги бугунги кунда йирик шахарлар кўчаларидаги тирбандликдан қолишмайди. Тўғри, кўпчилик бугун жамоат транспортини қуттиш ва вақтини қизғиниб, шахсий автомобиласида йўлга чиқади. Эҳтимол, вақт ҳам тежалар, бироқ маблағ, хусусан, газ ёки бензин каби ёниги, четдан келтирилладиган энергия ресурслари исрофгарчилигига йўл қўйилади.

Исломат юзасидан Тошкент шаҳрида бир муддат яшаб, шунга амин бўлдимки, шахсий автомобилдан кўра жамоат транспортида ишонага этиб олиш қулайроқ экан. Боиси тигиз пайтларда тирбандлик мисли қўрилмаган даражада ошиб, манзилга этиб бориш учун кўп вақт сарфланади. Ушбу автоуловлардан чиқаётган тўтун атроф-муҳитга қанчалик зарар етказётганини шахсий уловиди ёлғиз кеттаётган ҳамюртимиз ўйлаб ҳам кўрмайди.

Ҳар бир оилада икки ёки ундан кўп автомашина бўлиши фаровонлигимиз тобора ошиб бораётганилиги ифодаси, лекин ресурслардан оқилана фойдаланиш, энг аввало, шукроналик аломатидир.

— Исроф — неъматнинг заволи, — дейди Навоий вилояти бош имом хатиби Тоҳир Рўзиёев. — У шариятда ҳам ҳаром ҳисобланади. ЕБ-ичиш ва эҳсон қилишда исрофдан йироқ бўлишимиз буюрилган. Демак, ҳаддан ошиш, нафса эрк бериш, уни ўз вақтида жилволаб қўймаслик, манманлик ва дабдабозликка берилиш исрофгарчиликка, нафса қул бўлишга олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра мамлакатимиз аҳолиси европоликларга нисбатан сув, электр энергияси ва табиий газни етти — ўн бараваргача кўп ишлашар экан. Бунинг оқибатларига ўтган йилги аномал қиш кунларида яққол гувоҳ бўлдик. Ушанда етишмовчиликдан кўра исрофгарчилик турли авария ва фавқулодда ҳолатларга сабаб бўлганлиги эндилкида ойдинлашмоқда.

Одам бошига автомобиль олишга қурби етаётган юртдошларимиз, бир қатор энгилликлар тақдим этилса-да, мўқобил энергия манбаларини хонадонларига ўрнатишга ўзларида журъат топишолмаётгани афсусланарлидир.

Унутмайлик, тежамкорлик — фаровонлик гарови, унга амал қилмаслик эса ҳаётда муҳтожликка йўл очади.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

Бадий таржима — адабий кўприк

Ўзбек адабиёти намуналари бугун кўплаб хорижий ва қардош тилларга таржима қилиниб, камрови янада кенгаймоқда. Бунда, албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган адабий ислохотлар, ўзгаришлар, хусусан, таржимонлар фаолиятининг ҳар томонлама кўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё нигоҳи

Президентимиз 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида адабий, жумладан, таржима фаолияти борасида алоҳида тўхталиб, бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди.

Марк Эдуард РИЗ, маданиятшунос олим ва таржимон (АҚШ):



— Ўзбек адабиёти нафақат Марказий Осиё, балки туркий халқлар ва жаҳон адабиётида ҳам ўзига хос ўрин ва қиёфага эга. Бу адабиёт бадий тафаккур, ҳиссиёт ва гоёлар денгизидан сув ичган муаззам бугун янги неча асрлардан буюн янгилашган кўрқини инсонлар қалбига синдириб келмоқда. Ана шу бахтдан бебахра қолмаган инсон сифатида айтишим мумкинки, бундай адабиётга эга миллатлар ҳаммиса юксалишда давом этади.

Ўзбек адабиётини ўрганишга бўлган қизиқишим ортиши бундан роппа-роса 30 йил илгари Ўзбекистонга борганим билан боғлиқ. Ўшанда 2 йилча Қўқонда яшаб, мактабда ишладим. Бу йиллар мобайнида “Ўзбекистонни қандай қилиб ўз юртимга таништираман?” деган савол хаёлимдан кетмади. Албатта, ҳар қандай миллатнинг ички ва ташқи қиёфасини адабиёт орқали билиш, кўриш ва ҳис этиш мумкин. Шу боис ўзбек адабиётининг энг сара асарларини ўз она тилимга ўғириниб ахд қилдим.

2002 йили Тошкентда аспирантурада ўқиб юрган кезларим улуг адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи таржимасига киришдим. Очиги, Қўқонда ўтган ҳаётимни сўз билан ифода қилиш қийин, мазкур асарни ўғириниб ўша даврдан бошдан кечирган ҳиссиётларимни баён этишга ёрдам беради. Шунингдек, бу асар серқирра ва бой маданиятга эга ўлка, унинг бағрикенг, меҳ-

лияти борасида алоҳида тўхталиб, бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Бу хайрли ишларнинг ҳаётга кўчиши кўп куттирмади. Шу йил 4 июнь куни давлатимиз раҳбари имзолаган “Бадий таржима соҳасида Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”-

Ҳамза ЎЗТУРКЧИ, Туркия Республикаси Таълим вазирлиги турк тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, таржимон (Туркия):

— Ўзбек адабиётини бундан 14 йил муқаддам Туркиядаги Отатурк университетининг турк тиллари ва адабиётлари факультетига ўқишга кирганимда яқиндан таниганим, шу аснода унга меҳрим тушган. Талабалик йилларимда домлаим Хусайн Байдемирнинг хонасига йиғилиб, устозимиз бошчилигида ўзбек насири ва шеърини мутолаа қилардик. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романи, Чўлпоннинг бир-биридан гўзал ва оҳангдор шеърлари бизда катта таассурот қолдирган. Қайд этиш лозимки, бу йиғилишлар кейинги фаолиятимизга бевосита таъсир кўрсатди, пиروвардида ўзимиз ҳам ўзбек адабиётининг муҳлиси, таржимони ва юртимиздаги тарғиботчисига айландик.

Ўзбек адабиётига меҳрим, бу тилни ўрганишга қизиқишим айнан Чўлпон

ни нашрларда чоп этилиб, адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг ўзига хос ўзбек насири таржимасига киришдим. Натижада турк китобхонлари қўлига бугунги 30 нафар устоз ва ёш ўзбек носирининг сара ҳикоялари жамланган “Ҳозирги ўзбек ҳикоялари” китоби етиб борди. Шунингдек, Мухаммад Юсуфнинг шеърли тўплами, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Абу Райҳон Беруний” романи ҳам таржима қилдим ва улар китоб ҳолида чоп этилди.

Нихоят, 2018 йилда Ўзбекистонга келдим, бир hafta Тошкентда яшадим. Бу ўзбек адабиётига янада кўпроқ ошно бўлишимга имкон яратди. Ўқиш ва таржима қилишни режалаштириб қўйган китобларни сотиб олдим.



Таассуфки, туркий халқлар бир-бирининг адабиётини ўқиши, таниши учун таржималар жуда кам, таржимонлар бармоқ билан санарли. Ахир бутун бошли адабий таржимасига киришдим. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Матназар Абдулҳаким каби ўзбек шеърини намояндаларининг ўзим ёқтирган, Ўзбекистонда ҳам севиб ўқилаётган шеърларини туркманчага ўғирдим, уларнинг кўпчилиги “Насл” газетасида чоп этилиб, кўплаб ўқувчилар кўнглидан жой олди. Хусусан, яқинда мен ўзгача меҳр ва иштиёқ билан ўғирган Матназар Абдулҳакимнинг “Дарсдан сўнг” шеъри ҳам кўпчиликни таъсирлантирди. Таҳририятга ҳатто шеърни ўқиган бир газетхондан таассурот ва таҳсинлар ёзилган мактуб ҳам келди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётини ўқиб ижоди, айниқса, шеърини бошқа туркий халқларга қараганда анча банд. Ўзбек ёш шоирларидан бир қанчасини яши танийман, шеърларини таржима қилганим. Ўтган йили Тошкентга фестивал бахона борганимда, устоз ва ёш шоирларнинг бир қанчаси билан кўришдим, бир-биримизни янада яқиндан танидик.

Ҳозир ҳам таржима фаолиятимда ўзбек адабиётига алоҳида ургу берилган. Яқинда каминанинг таржимасида туркман китобхоналарига ҳавола этилган Ўткир Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китоби ҳам сўзимнинг тасдиғидир. Келажикда ҳам юртимизда ўзбек адабиётини янада танитиш, романлар, шеърли китоблар, ўзбек насири ва шеърини антологияларини тайёрлаш ва таржима қилиш ниятидаман.



Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Ўзбек ва туркман халқлари азал-азалдан қариндош, жондошдир. Масалан, миллатимизнинг улуг шоири Махтумқули Хивада тахсил олган, оташин шеърлар битган. Ўзбек санъаткорлари томонидан ҳозир ҳам Махтумқули сўзи билан қўшиқлар қўйланади ҳамда уларнинг бари маълум ва машҳур. Алишер Навоий, Огаҳий каби улуг шоирлар ижодига бизда ҳурмат банд. Фазалари куйга солиниб, халқимиз қалбидан жой эгаллаган.

Миллатларимиз биродарлиги адабий кўприклар билан янада мустаҳкам бўлажак, албатта, биз ҳам бу йўлда оғишмай, толмай ҳаракат қиламиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Гуллар меҳрни, эътиборни севади

Ғузур туманининг Янгибод маҳалласида яшовчи Беғали Тоғаевнинг болалиқдан гулларга меҳри ўзгача. Дастлаб қизиқиши боис ҳовлисидоги кафтдай ерда гул парваришлаган бўлса, кейинчалик бу ишни кенг миқёсга кўчирди.

Ибрат



— Ушбу фаолиятни бошлаганимга ҳам ўн йил бўлиб қолди, — дейди у. — Аввалга кичик-кичик майдончаларда гул етиштириб, ички бозорга етказиб берган бўлсам, тажриба ва даромад ошгани сари етиштираётган гуллар тури ва сонини ҳам кўпайтириб бордик. Айни пайтда 4 сотих томоркамизнинг 2 сотихида иккита иссиқхона барпо этганмиз. Бу ерда, асосан, хонака гуллар ҳамда бир қанча иссиқсевар гуллар парваришланади. Шунингдек, очик майдонда етиштирилаётган гулларимиз ҳам кўп. Дарҳақиқат, хонадоннинг ҳовлисига кираркансиз, бу ердаги манзарадан дилнингиз яйрайди. Очик майдонда экилган, махсус целлофан стаканчаларда кўпайтирилаётган ҳамда тувақларда қатор қилиб териб қўйилган гуллар шу қадар ранг-барангки, беихтиёр кўз қувнади. Бу эса оила аъзолари учун ҳам гўзаллик, ҳам даромад манбаи.

— Айни пайтда 100 турдан ортқ гулларимиз бор, — дейди оила бекаси Шаҳзода Бегимова. — Уларнинг ҳар бири ало-

ҳида шароит, алоҳида парвариш талаб этади. Масалан, бири иссиқни хоҳламайди, бошқаси совуқни. Ёки бири сувни кўп талаб қилади, бошқаси эса кам. Хуллас, ҳар бирини парваришнинг ўз технологияси бор. Шунга қараб, уларни алоҳида-алоҳида парвариш қиламиз. Лекин барча гулларнинг бир жиҳати ўхшаш — ҳаммаси меҳр ва эътибор талаб. Парваришда белгиланган технологиясига қанчалик риоя қилманг, меҳр ва эътиборсиз бирон натижага эришиш мушкул. Ҳа, гулчилик ҳам осон иш эмас. Аммо шунга монанд даромади ҳам юқори. Масалан, Беғали Тоғаев 5 сотих томоркасида гул етиштириб, йилига 50 миллион сўмдан ортқ фойда оляпти. Бу бир ойда 4 миллион сўмдан ортқ маблағ, дегани. Хориждан келтирилган, қimmatбах гул турларини кўпайтириш орқали эса бу даромад яна камида 4 ҳисса ошириш имконияти бор. Хонадон аъзолари ҳозир шунинг ҳаракатида.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).



Лондонда «Ўзбекистон маданият ва миллий таомлари» фестивали бўлиб ўтди. Тадбирга ўттиз минг киши ташриф буюрди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Т — 642, 14 054 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6